

Қорақалпоғистон Республикаси
статистика бошқармасининг
2020-йил 7-декабрдаги
120-Ө-сонли буйругига 28-илова

Статистик регистрини юритиш бўлими тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқарма Статистик регистрини юритиш бўлимининг (кейинги ўринларда - бўлим деб юритилади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этишнинг тартибини белгилайди

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда статистика бошқармаси деб юритилади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида” қонуни ва бошка қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорги Кенгеси қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарорлари ва фармойишларига, “Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси тўғрисида”ти Низом, шунингдек, мазкур Низомга амал қиласди.

4. Бўлим статистик регистрларни юритиш масалалари буйича фаолиятини статистика бошқармасининг таркибий бўлинмалари, шаҳар ва туманлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб юритилади), давлат ва хўжалик бошкаруви органлари, махаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошка органлар билан узаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим уз фаолиятини статистика бошқармаси бошлиғи, ўринбосарлари раҳбарлигига амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) статистик регистрларни юритиши, ягона сиёсатни ишлаб чиқши ва бажарии, статистикани ташкил қилишининг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириши ва функционал тартибга солиши соҳасида:

Иқтисодий-статистик классификациялар тизимин юритишда иштирок этиш;

Стандарт умумдавлат ва ички идоравий статистик таснифлагичлар асосида хўжалик юритувчи субъектларни идентификациялашнинг ягона принципларини таъминлаш;

Худудий корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистрини (КТЯДР) маълумотлари электрон базасини юритиш, ундаги маълумотларни актуал даражада саклаш;

Давлат статистика ишлари Дастури асосида корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистрида ҳисобга олинган корхоналар демографияси статистикасига оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, жамлаш ҳамда чоп этишга тайёрлаш;

Статистик регистрини юритиш бўлими томонидан ишлаб чиқиладиган статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги, холислиги, комплекслилиги ва тизимлилигини таъминлаш;

Корхоналар ва ташкилотлар хақида тўлиқ ва аниқ маълумотлар билан бошқарув органларини ва бошқа фойдаланувчиларни таъминлаш;

Худудий статистика бошқармасининг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда статистик регистрларини юритиш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Бошқарма бўлинмаларини жами статистик кузатув обьектлари хақидаги маълумотлар билан таъминлаш.

4. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларни келиб чиқиб, қуидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, давлат статистика бошқармасининг иш режаларини, бўлимимиз иш режасини, бўлим ваколатига кирўвчи масалалар бўйича меъёрий-хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этади ва ижросини таъминлайди;

КТЯДР худудий маълумотлар базасининг архив нусҳаларини сақлаш;

Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишини автоматлаштирилган ахборот тизими “Reg-system” асосида Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини (КТЯДР) юритиш ва назорат қилиш;

Худудлардаги рўйхатдан ўтказувчи органларидан рўйхатдан ўтаётган юридик шахслар туғрисидаги маълумотларни КТЯДР маълумотлар базасига тўғри киритилишини таъминлаш;

Янгидан ташкил этилган, рўйхатда турган юридик шахслар сони тўғрисида маълумотларни рўйхатдан ўтказувчи органлар билан солиштириш;

Фойдаланувчиларга КТЯДР маълумотлари асосида ахборот-маълумотнома хизматини кўрсатиш, махаллий давлат хокимияти ва бошқарув органларига янги ташкил этилган, фаолият кўрсатмаётган, тугатилган юридик шахслар сони тўғрисида маълумот тақдим этиб борилишини таъминлаш;

Қабул килинган методик қўлланмаларга асосан статистик тадқиқотлар (статистик регистр) мақсадида ташкил қилинган бирликлар рўйхатини доимий равища шакллантириш ва актуал ҳолатда сақлаш;

Давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, солиқ органлари ва бошқа органлар билан ўз-аро ҳамкорлик қиласди;

Рўйхатдан ўтказувчи органлардан келиб тушадиган КТЯДР маълумотлари билан ишлашни амалга оширади;

Регистрни юритиш учун дастурий-технологик манбаларни яратиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

Статистик регистр маълумотларининг махфийлигини таъминлайди;

Туман ва шаҳар статистика органларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилишини, унинг мунтазам равища тўлдириб ва янгилаб борилишини таъминлайди;

Бўлимга юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Бўлимнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

5. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги хуқуқларга эга:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, давлат статистика бошқармасининг иш режаларини тузилиши ва мазмуни бўйича давлат статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлимга юклатилган вазифаларни бажаришда зарур бўлган маълумотларни бошқарма бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларидан олиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бўлимлар ва туман ва шаҳар статистика бўлимлари билан инструктив кенгашлар ўтказиш;

Маълумотлар базасин юритиш масаласи бўйича вазирлик ва идоралар вакиллари билан биргаликда ишлаш;

Давлат статистика қўмитаси кўрсатмасига асосан КТЯДР ҳудудий маълумотлар базасининг тузилиши ва дастурий таъминотига ўзgartiriшлар киритиш;

Фойдаланувчиларга белгиланган тартибда КТЯДРнинг ҳудудий базасидаги ва статистик регистрдаги маълумотларни тақдим этиш;

6. Бўлим статистиканинг ягона илмий услубияти асосида статистик маълумотларнинг сифатлилигини йўлга қўйиш ва оширишга, статистик, таҳлилий ва ўз ваколати доирасидаги бошқа материалларнинг савиясига жавобгардир.

Бўлим ходимлари ҳисбот тақдим этувчиларнинг якка тартибдаги маълумотларининг махфийлигини таъминлашга, келиб тушувчи ва чиқувчи материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларига риоя қилишини ва сақлашга жавобгардир.

IV Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

7. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунига, ушбу низомга, давлат статистика қўмитаси ва бошқарманинг буйруқлари ва қарорларига, шунингдек давлат статистика ишлари дастури, давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, давлат статистика бошқармасининг ишрежалари, бўлимнинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Юқлатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, давлат статистика қўмитаси ва худудий бошқарма раҳбарияти топшириқларини электрон хужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бошқарманинг ойлик ҳисботини тузиш орқали ташкил этилади.

Бўлим бошқарма бошлиғи томонидан давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади.

8. Бўлим бошлиғи:

Бўлимнинг барча фаолиятига раҳбарлик қиласи, бўлимга юқлатилагн вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимни белгиланган штатда кўрсатилган кадрлар билан тўлдириб бориш ва бўлим ишининг самарадорлик даражасини ошириш бўйича чоралар кўради;

Бажарилиши лозим бўлган юқлатилган ишларга, мажбуриятларга, ижро ва меҳнат интизоми ҳолатига жавобгарликни, шунингдек меҳнат жамоасидаги маънавий ва руҳий муҳитга шахсий жавобгарликни олади;

Кўйилган вазифалар, бўлимга келиб тушадиган хужжатларни назорат қилиш ва иш жараёнида тажриба алмашиш бўйича бўлим ходимлари ва туман шаҳар статистика бўлимлари билан инструктив тариздаги йиғилишлар ўтказади;

Иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишининг қатъий назорати бўйича ишларни ташкил этади, ишга оид бўлган хужжатлар билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ўрнатилган тартибга ходимларнинг амал қилишини таъминлайди.

9. Бўлим бошлиғи қўйидаги хуқуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш ва уларнинг лавозим вазифаларини белгилаб бериш;

Ходимларни лавозимини ошириш, жойини ўзгартириш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазо чораларини қўллаш бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш;

Бўлимнинг юқори малакали ходимлари лавозим маошларига алоҳида устамалар қўшиш, шу билан бирга, илгари ўрнатилган устамаларни камайтириш ва бекор қилиш бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, шунингдек ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Давлат статистика қўмитаси тизимли хизмат қўрсатиш ва статистик регистрини юритиш бошқармаси билан келишган ҳолда бошқарма раҳбарияти билан бўлим ходимларининг лавозим вазифаларини тасдиқлаш;

Корхоналар ва ташкилотлар билан бўлим ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишда бошқарма номидан иш юритиш;

Бошқарма раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашиш;

Бўлимга келиб тушувчи ва чиқувчи маълумотлар бўйича давлат ва тижорат сирларини сақланишини таъминлаш.